

## МУЛОҚОТДА МАНИПУЛЯТОРЛАРНИНГ ҚЎЛЛАЙДИГАН УСУЛЛАР

**Ражабов Муродил Жумабоевич***Фаргона давлат университетининг Психология кафедраси катта ўқитувчи***Бутаев Бахромжон Шарофитдинович***Фаргона давлат университетининг Психология йўналиши магистранти*

**Аннотация:** Ушу мақолада илмий психологик адабиётларда одамга таъсир этишининг бир неча типологик усуллари келтирилиб, улардан баъзилари ўзаро шахслараро муносабатларда объектга ёки субъектга таъсир қилишлари ҳақида маълумотлар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** мулоқот жараёни, манипулятор, НЛД, адресат, ёлгон, ахборот, ҳимоянинг асосий усули, қизиққонлик, чексиз ғазаб, онг ости, агрессивлик.

**МЕТОДЫ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ МАНИПУЛЯТОРАМИ В КОММУНИКАЦИИ**

**Аннотация:** В данной статье представлены несколько типологических методов воздействия на человека в научной психологической литературе, некоторые из которых анализируют данные о том, как они воздействуют на объект или субъект в межличностных отношениях.

**Ключевые слова:** коммуникативный процесс, манипулятор, НЛП, адресат, ложь, информация, основной способ защиты, любопытство, безграничный гнев, подсознание, агрессия.

**METHODS USED BY MANIPULATORS IN COMMUNICATION**

**Key words:** communicative process, manipulator, NLP, addressee, lie, information, main method of protection, curiosity, boundless anger, subconsciousness, aggression.

**Annotation:** This article presents several typological methods of influencing a person in the scientific psychological literature, some of which analyze data on how they affect an object or subject in interpersonal relationships.

Мамлакатимизни собитқадамлик билан тараққий этишида инсон салоҳияти жамият тараққиётида бунёдкор омил эканлиги сир эмас. Шунинг учун инсон омилини ҳам жисмоний, ҳам рухий тарбиялаб бориш муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга ҳар бир инсонни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш конституцияда кўрсатиб қўйилган бўлиб, унга фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги берилган (29-модда).

Илмий психологик адабиётларда одамга таъсир этишининг бир неча типологик усуллари келтирилиб, улардан баъзилари ўзаро шахслараро муносабатларда объектга ёки субъектга таъсир қилишдири. Уларни баъзиларини қуйида кўриб чиқамиз

Ўзаро муносабатларда ёлғондакам такрорий сўроқ ёки алдоқчини аниқлаштириш. Бу ҳолатда манипулятор ўзи учун яхшироқ аниқлаштириб

олмоқчидай тасаввур уйғотиб, қайтадан сўрайди, аммо, аввалига сизнинг сўзларингизни, давомида қисман такрорлаб, айтганларингизга бошқача маъно сингдириб, бу билан гапнинг умумий мазмунини ўз фойдасига ўзгартириш орқали манипулятив усул орқали самарага эришади.

Мулоқот жараёнида манипуляторларнинг хийлаларидан яна бири атайин шошмоқ ёки мавзудан мавзуга сакраш. Бунда манипулятор, бундай вазиятда, диққатингиз тезда янги ахборотга йўналиши, демак, “инкор этилмаган” аввалги ахборот тингловчи онг остига етиб боришини билган ҳолда бирор маълумотни айтилган заҳоти бошқа мавзуга ўтади. Агар ахборот онг остига етиб борса, маълумки онгсизликдаги (онг ости) исталган ахборот, вақт ўтиши билан инсон томонидан англанади, яъни онгга ўтади. Ўз навбатида агар манипулятор ўз ахборотини қўшимча эмоционал (ҳиссий) юклама билан қувватлаган бўлса, ёки уни онг остига кодлаш орқали жойлаштира, бундай маълумот манипулятор кўзгайдиган, унга зарур пайтда пайдо бўлади (масалан, НЛДдан олинган “якорлаш” тамойили ёки кодни фаоллаштирадиган бошқа сўзлар ёрдамида). Бундан ташқари шошиш ва мавзудан мавзуга сакраш сабаб оз вақт ичида катта миқдордаги мавзуларни “эълон” қилиш имкони туғилади; шундай экан психика ҳамма нарсани ўзидан ўтказиб улгурмайди ва ахборотнинг маълум қисми онг остига етиб боради, ўша жойдан манипуляция объектига манипуляторга керакли тарзда таъсир этади.

Мулоқот жараёнидаги манипуляторларни адресатга таъсирларидан яна бири ўз бефарқлигини кўрсатишга уриниш ёки сохта эътиборсизликдир. Бу ҳолатда манипулятор суҳбатдоши ва маълумотни имкон қадар эътиборсиз қабул қилишга уринади, бу билан кишини манипулятор учун ўз аҳамиятига ишонтиришга нима қилиб бўлсин уринишга мажбурлайди. Бу билан манипулятор ўз манипуляцияси объектидан келаётган, аввал хабар бериш нияти бўлмаган ахборотни бошқариш имконига эга бўлади. Манипуляция йўналтирилган инсоннинг бу ҳолати психика қонуниятларидан келиб чиқади, исталган кишини ўз ҳақилигини нима бўлсада исботлашга, манипуляторни (унинг манипулятор эканини англамаган ҳолда) ишонтиришга, бунинг учун мантиқан тафаккурнинг бор имконини ишга солишга, яъни ўз фикрича бунинг учун қўл келадиган янги маълумот, омилларни етказишга мажбурлайди. Манипулятор учун бу айти муддао бўлиб, ўзига керакли ахборотни қўлга киритади. Мазкур вазиятда қарши чора шахсий иродавий назоратни кучайтириш ва иғволарга учмаслик тавсия этилади.

Ёлғон зиён ёки ўткинчи кучсизлик. Манипуляциянинг ушбу тамойили манипулятор томонидан манипуляция объектига ўз кучсизлигини кўрсатиш ҳамда шу йўл билан мақсадга эришишни назарда туттади. Чунки кучсизроқ кишини кўрганда раҳмдиллик эффекти ишга тушади, демак, инсон психикаси ҳимояси кучсиз ишлай бошлади, манипулятордан келаётган ахборотни жиддий қабул қилмайди. Шундай қилиб, манипулятордан келаётган ахборот тўғри онг остига ўтади, у ерда кўникма ҳамда хулқ паттернлари (кўриниш) сифатида йиғилади, демак, манипулятор мақсадига эришади, чунки, манипуляция объекти ўзи англамаган ҳолда маълум

вақтдан сўнг онг остига сингдирилган кўникмаларни амалга ошира бошлайди ёки бошқача айтганда, манипуляторнинг яширин истагини бажаради. Ҳимоянинг асосий усули исталган кишидан келаётган ахборотни тўлиқ назорат қилиш, яъни ҳар қандай киши бу рақиб ва уни жиддий қабул қилиш лозим.

Сохта муҳаббат ёки диққатни сусайтириш. Бир индивид (манипулятор) бошқаси (манипуляция объекти) қаршисида ошиқ ролини ўйнаса, чексиз ҳурмат, қадр ва ҳоказоларни (яъни ўз ҳиссиётларини шу тарзда намоён этса) кўрсатса ошқора бирор нарса сўрагандан кўра кўпроқ нарсага эришади. Бундай ифвога учмаслик учун совуққонлик кўл келади.

Қизиққонлик ёки чексиз ғазаб. Бу ҳолатда манипулятор томонидан асоссиз ғазаб натижасида манипуляция имкони юзага келади. Мазкур кўринишдаги манипуляция йўналтирилган кишида ўзига нисбатан ғазабланаётган одамни тинчлантириш истаги туғилади. Бунинг учун онг остида манипуляторга адресат ён босишга тайёр бўлади. Ҳимоя усуллари: Масалан, “мослашув” оқибатида (НЛДда калибровка деб аталади) аввалига манипуляторга ўхшаш кайфият намоиш этиш, сўнг тинчланган бўлиб манипуляторни ҳам тинчлантириш. Ёки, масалан, хотиржамлик ва манипулятор ғазабига эътиборсизлик кўрсатиш, бу билан уни чалғитиш ва манипулятив устунликдан мосуво қилиш мумкин. Ўз агрессивлиги темпини нутққа хос усуллар билан бир вақтда манипуляторга енгил тегиниш (унинг панжалари, елкаси, кўлларига...), кўшимча визуал таъсир билан кескин ошириш ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бундай вазиятларда жуда эътиборли бўлиш, нима деяётганларига диққат билан қулоқ солиш, айёрликни сезганда – аввал айтилганларни аниқлаштириш лозим. Агар манипулятор сизнинг таъкидларингизни эътиборсиз қолдириб бошқа мавзуга ўтиб кетмоқчи бўлган ҳолларда ҳам, фикрингизни аниқлаштириш учун такрорланг. Ҳамда мулоқотда манипулятор таъсирига визуаль, аудиаль ва кинестетик қўзғотувчилар орқали бирваракай таъсир этиш ёрдамида – уни транс ҳолатига тушириш натижасида уни ўзингизга тобе қилишингиз мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Егорова М.С. Макиавеллизм в структуре личностных свойств. Вестник Пермского государственного педагогического университета. Серия 10, Дифференциальная психология, 2009, No. 1-2, 65-80.

2. Егорова М.С., Паршикова О.В., Ситникова М.А. Взаимосвязи диспозиционных черт личности и Темной триады. В кн.: Материалы юбилейной конференции Российского психологического общества «От истоков к современности», 2015. (в печати)

3. Знаков В.В. Психология понимания: Проблемы и перспективы. М: Институт психологии РАН, 2005.

4. Калущая И.Н., Поддьяков А.Н. Представление о макиавеллизме: разнообразие подходов и оценок. *Культурно-историческая психология*, 2007, No. 4, 78–89.
5. Abell L., Brewer G., Machiavellianism, self-monitoring, self-promotion and relational aggression on Facebook. *Computers in Human Behavior*, 2014, 36, 258–262.
6. Arvan M. Bad news for conservatives? Moral judgments and the Dark Triad personality traits: A correlational study. *Neuroethics*, 2013, 6, 307–318.
7. Vaughn H.M., Jonason P.K., Lyons M., Vernon P.A. Liar pants on fire: Cheater strategies linked to the Dark Triad. *Personality and Individual Differences*, 2014, 71, 35–38.
8. Rajabov Murodil Jumaboevich. TYPES OF Manipulation and expression of representative system in persons. *galaxy international interdisciplinary research journal (GIIRJ) ISSN (E): 2347-6915 Vol. 10, Issue 1, Jan. (2022).*
9. Ражабов М. Ж. Психолингвистик жараёнда манипуляциянинг роли //инновации в педагогике и психологии. – 2021. – Т. 4. – №. 7.
10. Ражабов, М. Ж. "Психолингвистик жараёнда манипуляциянинг роли." *инновации в педагогике и психологии* 4.7 (2021).
11. Ражабов, М. Ж. (2021). Психолингвистик жараёнда манипуляциянинг роли. *инновации в педагогике и психологии*, 4(7).
12. Муминов, Д. (2022). Психологические и психолого-педагогические аспекты человеческого капитала и социальной безопасности. *Uzbek Scholar Journal*, 4, 60-62.
13. Soliev, F. S., & Muminov, D. (2021). To determine individual specificity and hidden potential of the personality according to external signs of behavior. *ACADEMICA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 1258-1265.
14. Ражабов М.Ж., Бутаев Б.Ш., (2022) Оилавий муносабатларда манипулятив таъсир таҳлили. *Ўзбекистонда fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar” jurnali (ISSN:2181-3302) 8-son (2022 y 20 may)*
15. Ражабов М.Ж., Бутаев Б.Ш., Ота-оналар ва кичик манипуляторлар, *Innovative developments and research in education: a collection scientific works of the International scientific online conference (20th June, 2022) – Canada, Ottawa : "CESS", 2022. Part 7– 55-58*